

БЮДЖЕТ МУАССАСАЛАРДА ИЧКИ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

Маматкулов Хайбулла Нарзуллаевич

*"Аудит" кафедраси катта ўқитувчи,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
khaybullamamatkulov@gmail.com*

ORGANIZATION OF INTERNAL FINANCIAL CONTROL IN BUDGETARY INSTITUTIONS: THEORY AND PRACTICE

Mamatkulov Khaibulla Narzullaevich

*Senior lecturer Audit Departmen
Tashkent State Economic University
khaybullamamatkulov@gmail.com*

Аннотация. Мақолада ички назорат каби энг муҳим бошқарув элементларидан бири кўриб чиқилади. Ички назоратни ташиқил этишининг халқаро амалиётидан фойдаланиши учун унинг тузилмаси кўриб чиқилмоқда. Муассасаларда ҳисобот сиёсатини яратишида ички назорат, унинг ўрни ва долзарб бўлиши. Ахборот тўплашида ички назоратнинг устуворлиги. Хатоларнинг олдини олиши ва аниқлаши, активларнинг сақланишини таъминлаши, шунингдек, ҳар бир хўжалик операцияси бухгалтерия ҳисобининг ҳақиқлиги ва қонунийлигини таъминлаши, моддий жавобгарликни ташиқил этиши, даврий инвентаризацияларни ўтказиши ва бошқа жиҳамларида ички назорат самарасига баҳо берилди. Ички назорат - бу муассаса раҳбарияти томонидан барча ходимлар томонидан хўжалик операцияларини амалга оширишида ўз вазифаларини энг самарали бажариши учун фойдаланиладиган чора-тадбирлар тизими. Ички назорат ушбу операцияларнинг қонунийлигини ва уларнинг муассаса учун аҳамиятлилигини белгилайди. Ички назорат маълумотлари

корхона раҳбарияти ва бошқарув ходимларига хўжалик операциялари учун одатий шароитлардан четга чиқишлар ҳақида тезда тўлиқ маълумот олишига ёрдам беради. Ички назоратни ўтказиши ҳар бир муассаса учун мажбурийдир. Ўйрик муассасаларда махсус ички назорат ёки ички аудит бўлимлари ташиқил этилиши мумкин. Бюджет муассасарида ички назоратнинг мақсадлари қўйидагилардан иборат: Назоратнинг асосий мақсади ташиқилотнинг хатарларини камайтириши, мақсадларга эришишини таъминлаши, мулкни суиистеъмол қилишининг олдини олиши, активларни ўғирлаши ёки ўғирлашига уринишларни қўйида келтирилган шакллар орқали бартараф этишидир.

Abstract. Internal control is the main element of accounting policy in accounting. The composition of the accounting policy and the nature of internal control in it.

Objectives of accounting: superiority of control over control and collection of information. The tasks of internal control are to ensure the legality of business transactions.

Internal control tasks to ensure the integrity of asses, prevention and detection of errors. Ways to ensure the validity and legality of accounting for each business transaction, organizing financial liability, conducting periodic inventories, regulating is result. Internal control is a system of measures used by the management of the institution for the most effective performance of their duties by all employees in the implementation of business operations. Internal control determines the legality of these operations and their significance for the institution. Internal control information helps the company's management and management staff to quickly get complete information about deviations from normal conditions for business operations. Conducting internal control is mandatory for every institution. In large institutions, special internal control or internal audit departments can be established. The objectives of internal control in budget institutions are as follows: The main purpose of control is to reduce the organization's risks, ensure the achievement of goals, prevent misuse of property, and eliminate theft or attempted theft of assets through the following forms.

Таянч сўзлар. *ички назорат, назорат турлари, ички назорат объекти, ҳисоб сиёсати, ахборот тўплаш, моддий жавобгарлик, қонунийликни таъминлаш, ички назорат тадбири.*

Key words. *internal control, types of control, object of internal control, accountung policies, collectuon of information, financual resposubility, ensirung legaluty, internal control procedures.*

Кириш. Жаҳон иқтисодиётига жадал суръатлар билан интеграциялашаётган Ўзбекистонда ҳозирги кунда халқаро молиявий ҳисоботлар ва аудит стандартларига

ўтиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Бугунги кунда марказлашган назорат тизимларининг айримлари тугатилиб корхона ва ташкилотлар ички назоратига муҳим эътибор қаратишлари, муассасалардаги ишлар ҳолати ҳақида аниқ ва холисона ахборотга эга бўлишлари керак. Бунинг учун давлат бошқарувнинг муҳим элементи бўлган ички назорат тизими самарали фаолият юритиши керак. Ушбу тизим иш жараёнида ўзаро муносабатлар иштирокчиларининг манфаатлари мувозанатига эришиш учун зарур ҳисобланади. Бюджет муассасаларидаги ҳар қандай фаолият икки тизимда содир бўлади. Биринчиси, операцион (ташкилий) тизим бўлиб, у белгиланган мақсадларга эришишга асосланган. Иккинчиси - бошқарув тизими бўлиб, унинг таркибий қисмлари сиёсатлар, бюджетлар, қоидалар, кўрсатмалар, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот тизимлари бўлиб, пировард натижада хўжалик субъектининг мақсадларига эришишни таъминлашга қаратилган. Ушбу тизимлар реализациясида ички назорат ўзига хос вазифани бажаради. Шунинг учун Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» янги таҳриридаги қонуни 21-моддасида "Ички назорат"га қуйидагича таъриф берилган: "Ички назорат бухгалтерия ҳисобини юритишда, молиявий ва бошқа ҳисоботларни тузишда хўжалик операцияларини амалга оширишнинг қонунийлигини, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини, активларнинг бут сақланишини таъминлаш, талон-тороғ қилиш ҳоллари ва хатоликларнинг олдини олиш ҳамда аниқлаш мақсадида бухгалтерия ҳисоби субъектининг раҳбари томонидан қабул қилинган ҳисоб сиёсати асосида ташкил этилган чора-

тадбирлар тизимидир"[1]. Ички назорат - бу муассаса раҳбарияти томонидан барча ходимлар томонидан хўжалик операцияларини амалга оширишда ўз вазифаларини энг самарали бажариш учун фойдаланиладиган чоратадбирлар тизими. Ички назорат ушбу операцияларнинг қонунийлигини ва уларнинг муассаса учун аҳамиятлилигини белгилайди. Ички назорат маълумотлари корхона раҳбарияти ва бошқарув ходимларига хўжалик операциялари учун одатий шароитлардан четга чиқишлар ҳақида тезда тўлиқ маълумот олишга ёрдам беради. Ички назоратни ўтказиш ҳар бир муассаса учун мажбурийдир. Йирик муассаларда махсус ички назорат ёки ички аудит бўлимлари ташкил этилиши мумкин. Бюджет муассаларида ички назоратнинг мақсадлари куйидагилардан иборат: Назоратнинг **асосий мақсади** ташкилотнинг хатарларини камайтириш, мақсадларга эришишни таъминлаш, мулкни суиистеъмол қилишнинг олдини олиш, активларни ўғирлаш ёки ўғирлашга уринишларни куйида келтирилган шакллар орқали бартараф этишдир:

– Турли даражадаги қоидалар талабларидан *оғишларни аниқлаш*.

– оғишларнинг сабабларини *таҳлил қилиши* (шу жумладан ходимлар).

– *Тузатиши*, яъни аниқланган қоидабузарликларни бартараф етиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.

– Олдини олиш, яъни келажакда бундай қоидабузарликларнинг *олдини олиш чораларини ишлаб чиқиши*.

– *Ҳуқуқни муҳофаза қилиши*, яъни қонунбузарлик қилганларни жавобгарликка тортиш.

Материал ва метод. Ички молиявий назорат тизимининг асосий

субъекти ички аудит ҳисобланади. Бу ҳақда бир қатор хорижий олимларнинг қарашларини қайд қилиб ўтиш жоиз.

Жумладан, Россиялик олима Иванова Елена Леонидовнанинг фикрича “Назорат - бу бошқариладиган объектнинг ишлаш жараёнининг қабул қилинган бошқарув қарорларига мувофиқлигини кузатиш ва текшириш тизими, бошқарув объектига бошқарув таъсири натижаларини ва ушбу қарорларни амалга оширишда содир бўлган оғишларни аниқлаш”- деб ўз қарашларини қайд қилган[7].

Россиялик олим Алексей Тихомиров фикрича ички назорат бизнес учун назорат қилинадиган (ёки қолдиқ) хавфнинг мақбул даражасини таъминлайдиган бизнес жараёнининг қисмлари деб таърифлайди[8].

Шунингдек, Россиялик олима С.М.Бычкованинг фикрича “Ички аудит ички назорат тизимининг элементи бўлиб, у раҳбарият томонидан ҳисоб ва бошқа назорат маълумотларини таҳлил қилиш мақсадида тузилади” [9].

Шу билан бирга, Россиялик олим А.Сониннинг фикрича - Ички аудит янги тушунча бўлмагани учун учинчи минг йилликнинг бошларида алоҳида эътиборни тортди. Дунёда ички аудитга қизиқиш ортиб бораётгани, бизнингча, бир қанча омиллар билан боғлиқ.

Биринчидан, ички аудит ҳозирда мавжуд бўлган ва шу билан бирга кам баҳоланмаган ресурслардан бири бўлиб, улардан тўғри фойдаланиш компания самарадорлигини ошириши мумкин.

Иккинчидан, Америка Қўшма Штатлари ва Ғарбий Европани қамраб олган бир қатор шов-шувли корпоратив жанжаллар ташқи аудит институтини жиддий муваффақиятсизликка олиб келиши мумкин, натижада ҳатто энг

йирик компаниялар ҳам банкрот бўлади, деб ҳисоблашга асос бўлди.

Учинчидан, ажралмас қисмларидан бири ички аудит бўлган компанияда яхши корпоратив бошқарувнинг мавжудлиги потенциал инвесторлар ва кредиторлар учун ижобий сигнал бўлиб, компаниянинг инвестицион жозибадорлигини оширади[10].

Россиялик олим В.В. Пугачевнинг Ички аудит ва назорат китобида "Ички назорат — фикр-мулоҳаза шакли бўлиб, у орқали ташкилотнинг бошқарув органи бошқариладиган объектнинг ҳақиқий ҳолати ва бошқарув қарорларини амалга ошириш тўғрисида зарур маълумотларни олади"- деб фикр билдирган[11].

Натижалар. Молиявий назоратнинг усуллари: текшириш; тадқиқ этиш; молиявий ҳолат таҳлили; мониторинг; бошқарув назорати; тафтиш(аудит).

Ҳужжатлар ва молия-хўжалик операцияларни тўлиқ қамраб олинишига кўра ялпи ҳамда қисман (танланма) текшириш турларига бўлинади.

Ялпи текширишда ташкилот, корхона, муассасанинг ҳамма молия-хўжалик операсиялари ва ҳужжатлари тўлиқ текширилади, қисман текширишда фақат унинг бир қисми (танланма тартибда) ҳужжаатлар, операсиялар, материал қийматликлар текширилади.

Қисман (танланма) текширишда фақат унинг бир қисми танланма тартибда ҳужжатлар, операциялар, материал қийматликлар текширилади. Текширилаётган маслалар қамраб олинишига кўра комплекс, танланма ва тематик (мақсадли) турларга бўлинади.

Комплекс текшириш бу хўжалик субъекти молия-хўжалик фаолиятини маълум даврга ҳар томонлама текширишдир. Бундай текшириш жараёнида ташкилот фаолиятининг ўзаро боғланган иқтисодий ва юридик

томонларини ўрганиш учун ўтказилади, бунда ҳужжатли ҳамда ҳақиқий текширишнинг турли методик усулларидадан максимал фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Хўжалик операцияларининг қонунийлиги, ишончлилиги ва иқтисодий мақсадга мувофиқлиги малакали мутахассислар томонидан комплекс текшириш амалга оширилаётганда аниқланади.

Танланма текшириш хўжалик субъекти бухгалтерия ҳисоби бўлимлари ёки молия-хўжалик фаолиятининг айрим масалаларини текширишдир. У **муस्ताқил текшириш** орқали ёки комплекс текширишнинг бир қисми сифатида амалга оширилади.

Танланма текшириш натижалари алоҳида умумлаштирувчи ҳужжатда ёки комплекс текшириш натижалари бўйича умумий йиғма жамланма ҳужжатда акс эттирилиши мумкин.

Тематик (мақсадли текшириш) назорат объекти бўлган молия-хўжалик фаолияти турининг ёки аниқ йўналиш (мавзу)ни текширишдир, молия-хўжалик фаолиятининг томонлари ва олдиндан аниқланган саволлар доирасини изланиш йўли билан текширишни

ўтказиш ҳисобланади. Танланма текшириш, тематик текшириш натижалари алоҳида ёки умумий ҳужжатда акс эттирилади.

Тадқиқ этиш корхона ва ташкилотлар фаолиятининг айрим томонларини қамраб олади. Тадқиқ этиш жараёнида бажарилган ишлар, материаллар, ёқилиги ва энергиянинг сарфланиш ҳажмлари назорат тарзида ўлчанади. Шунингдек, тадқиқ этиш сўраш, кузатиш ва инспекция қилиш ҳоллари орқали ҳам амалга оширилиши мумкин.

Бошқарув назорати (надзор)

молиявий фаолиятнинг маълум бир турига (масалан, суғурта, инвестицион, банк ва бошқа фаолиятлар) лисензия олган иқтисодий субъектлар устидан назорат органлари томонидан амалга ошириладиган назоратни англатади. У бузилиши лицензиянинг чақириб олинишига олиб келадиган ўрнатилган (белгиланган) қоидалар ва нормативларга риоя қилиниши устидан назоратни кўзда туттади.

Молиявий ҳолат таҳлили усулида хўжалик фаолиятининг натижаларига, молиявий ҳолатнинг аҳволига умумий баҳо бериш мақсадида даврий ёки йиллик молиявий ва бухгалтерия ҳисоботларини деталлаштирилган тарзда ўрганиш, таҳлил қилиш амалга оширилади.

Тафтиш (аудит) молиявий назоратнинг анча кенг тарқалган методи саналиб, назоратнинг ҳақиқий ва ҳужжатли усулларини қўллаш ёрдамида амалга ошириладиган корхона, ташкилот ва муассасалар молия-хўжалик фаолиятини ўзаро боғланган комплекс текширувидан иборатдир. Тафтиш тафтиш қилинаётган объект фаолиятидаги камчиликлар ва бузилмаларни топиш учун, яъни содир этилган хўжалик операсияларининг мақсадга мувофиқлиги, асосланганлиги, иқтисодий самарадорлигини, молиявий интизомга риоя этилганлигини, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотларининг ишончлилигини аниқлаш учун амалга оширилади.

Ўз ишланишимизда ички назоратнинг куйидаги масалаларига этибор қаратдик.

–Ички назорат бухгалтерия ҳисобини юритишда ҳисоб сиёсатининг асосий элименти

–Ички назорат хўжалик операцияларини амалга оширишнинг

қонунийлигини таъминлашдаги вазифалари

–Ички назоратнинг активларнинг бут сақланишини таъминлаш хатоликларнинг олдини олиш ҳамда аниқлаш вазифалари

Ички назорат бухгалтерия ҳисобини юритишда ҳисоб сиёсатининг асосий элиментидир. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 12 декабрдаги 91-сонли “Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (1-сонли БҲС) «Ҳисоб сиёсати»ни тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 27 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2853) иловасида Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (1-сонли БҲС) «Ҳисоб сиёсати» (бундан буён матнда Стандарт деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига мувофиқ бюджет ҳисобини норматив тартибга солиш тизимининг элименти ҳисобланиши қайд қилинган.

Мазкур Стандарт бюджет ташкилотларининг молиявий ҳисоботларига бўлган ишончлилик даражасини ва маълум бир даврийликдаги молиявий ҳисоботларини, шунингдек бошқа бюджет ташкилотларининг молиявий ҳисоботларини ўзаро солиштириш даражасини оширишга мўлжалланган.

Ушбу Стандарт ташкилот ва муассасалар бухгалтериясида ички назорат тизимини тартибга солувчи меъёрлардан бири ҳисобланади.

Мазкур Стандарт барча бюджет ташкилотларига қўлланилиши белгиланган.

бюджет ҳисоби — бюджет тизими бюджетларини ижро этишда ҳисобга олинadиган, пулда ифодаланган

активлар ва мажбуриятларнинг, шунингдек мазкур активлар ва мажбуриятларни ўзгартирувчи операцияларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни тўплаш, рўйхатдан ўтказиш ва умумлаштиришнинг тартибга солинган тизими;

ҳисоб сийёсати — мазкур Стандартнинг 4-бобида белгиланган принципларга мувофиқ бюджет ташкилотлари томонидан бюджет ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузишда қўлланиладиган аниқ услублар, асослар, йўл қўйишлар, қоидалар ҳамда усуллар мажмуи.

Бундан ташқари, Бюджет ҳисобидан молиялаштириладиган вазирлик ва идораларнинг ички назорат тизими тўғрисида кейинги йилларда бир қатор ҳукумат қарорлари асосида Низом ва қўлланмалар қабул қилиниб ички назорат тизимида дастур бўлиб хизмат қилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 августдаги 416-сон “Вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизмати тўғрисида намунавий Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 22 ноябрдаги 63-сон “Ички аудит тадбирларини ўтказиш қўлланмасини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғини қабул қилиниши ички назорат тизимига давлат даражасида эътибор кўчайганлигини тасдиқлайди.

Шунингдек, халқаро аудит стандартлари босқичма-босқич қабул қилиниб ташкилот ва муассасалар фаолиятини барқарорлаштиришга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда халқаро стандартлардан андоза олиб давлат бюжети маблағларини самарали бошқаришда ички назорат тизимининг роли ва аҳамияти қўйидагилардан иборат.

1. Таркиби бўйича давлат секторидаги ички назорат - РИФС концепциясини, ички назорат компонентларини яъни COSO моделини жорий қилиниши ва ички назоратнинг ривожланишида ва ички аудитнинг ролини оширилиши маблағлар мақсадли, самарали ишлатиши бўйича самадорликка эришилмоқда.\

2. "Янги" (Европа Иттифоқи томонидан ишлаб чиқилган) моделнинг учта асосий қисми - Молиявий бошқарув ва назорат (ФМС); Сертификатлаш ва маслаҳат фаолияти - ички аудит ва (ИА); ГВФК тизим координатори (РИФС) - уйғунлаштириш маркази (ЧУ) фаолиятини ташкил қилишдан иборат.

3. Ички назоратни аниқлашда қўйидаги мезонларга аҳамият бериш лозим;

А. Халқаро ички назорат ташкил қилиш - Бошқарув органлари, раҳбарият ва ташкилотнинг бошқа ходимлари томонидан амалга ошириладиган жараён, "оқилона ишонч"ни таъминлаш учун мўлжалланган операциялар, ҳисобот бериш ва мувофиқлик билан боғлиқ мақсадларга эришишни белгилайди.

Б. Шундай қилиб, ички назорат:

1) Масъул шахс томонидан амалга оширилади - бу шунчаки ҳужжатлар, шакллар ва назорат рўйхатлари тўплами эмас. Улар мақсадлар қўядиган ва уларнинг ютуқлари устидан назоратни ўрнатадиган масъул шахслардир.

2) юқори менежмент ва бошқарув органларига мутлақ кафолат эмас, балки етарли ишончни таъминлашга қодир;

3) операцион фаолиятни қамраб олади ва ҳисобот ҳамда мувофиқлик билан чекланмайди;

С. Бу шуни англатадики - ички назорат ҳаммага тегишли; мукамал назорат йўқ; назорат ташкилот ва

муассасалар мақсадларига эришишга қаратилган.

Халқаро ички назоратнинг яхлит концепцияси - Халқаро концепцияси ички назоратни ташкилот ва муассасалар ҳайъат, риёсат кенгаши, раҳбарият ва бошқа ходимлар томонидан амалга ошириладиган, вазифаларни бажаришда "оқилона ишонч" беришга қаратилган жараён сифатида белгилайди. Бунда учта мақсадни - операциялар; ҳисобот; мувофиқликни, бешта компонентни; мониторинг; ахборот ва алоқа; назорат чоралари; хатарларни баҳолаш; назорат муҳитини белгилайди.

Халқаро амалиётда ички назоратнинг "COSO Модели"[12] мовжуд бўлиб

интеграциялашган COSO ички назорат концепцияси учта мақсадни:

операциялар; ҳисобот; мувофиқ таъминлашга. Хамда бешта компонентни

Бошқариш муҳити; Хавфни баҳолаш; Назорат чоралари; Ахборот ва коммуникация; Мониторинг этибор каратади.

Ушбу модел мазмунидан ички назоратнинг таъсири куйидагилар билан белгиланади:

–Аниқ белгиланган мақсадлар ва мажбуриятлар

–Ҳалоллик

–Ошкоралигини

–Алоқа

–Самарадорлигини ошириш ва иш самарадорлиги

–Ҳисобдорлик

–Қонунийлик

Ички назорат хўжалик операцияларини амалга оширишнинг қонунийлигини таъминлашдаги вазифалари. Жаҳон тараққиёти шуни

кўрсатмоқдаки, халқаро молиявий ҳисобот стандартларига ўтиш ва халқаро

тажрибани Ўзбекистонда қўллаш бугунги кунинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда[12].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сонли "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (кейинги ўринларда – МҲХС) ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш белгилаб берилган.

Бугунги кунда халқаро стандартларни бюджет муассасаларга қўлланилиши улар фаолиятини синчиклаб пухта ўрганишни назарда тутлади. Ушбу мақсадларда, айниқса бюджет ташкилотларининг ички назорат тизимида махсус компьютер дастурлари ўрнатилган бўлсада ҳозирги кунгача қўллаш амалиётида жиддий хато камчиликларга йўл қуйилмоқда.

Натижада, молиявий назоратнинг халқаро андозаларини қўллаш орқали муҳим нарсаларни эътибордан кочирмасликка, ҳаракатлар кетма-кетлигига риоя қилишга, маълумотларнинг бир қисмини таҳлил қилишни автоматлаштириш орқали ички назорат иш сифатини ўзига хос тарзда назорат қилиш имкони пайдо бўлади.

Бу билан муассасаларда молиявий назорат тизими бўйича ўтказилаётган ўрганишлар анча батафсил бўлади.

Бюджет муассасалари ва хўжалик юритувчи субъектларда ички назорат тизимини ташкил этиш зарурати туғилишига сабаб шундан иборатки,

ижрочи қарор қабул қилувчи шахсдан худудий ёки ташкилий жиҳатдан, кўпинча эса ҳам худудий, ҳам ташкилий жиҳатдан ажратилган, шунингдек ижрочилар сони кўп бўлган ҳолларда уларни назорат қилиш учун мутлақ назорат функцияларига эга бўлган бўғин зарур.

Ички назорат – бу молиявий ва бошқа ҳужжатларнинг тўғрилиги, тўлиқлиги ва бажарилишини таъминлаш тизимлари муассасани бошқариш сиёсати, муассасанинг тартибли ва самарали олиб борилиши ва тўғри активлар ва ресурсларни ҳисобга олиш ва ҳимоя қилишдан иборат.

Вазифаларни тақсимлаш ички назоратнинг асосий элементи сифатида белгилаш мақсадга мувофиқдир. Ҳеч бир ходим бир вақтнинг ўзида хато ёки фирибгарликни содир эта олмаслиги ва яшириш учун шароит яратмаслик мақсадида назорат қилиш зарур.

Ўз вазифаларини нормал бажаришда давлат бошқаруви ва бухгалтерия ҳисоби бўйича Низом ва йўриқномаларга мувофиқ, сегрегация хато ва фирибгарлик хавфини камайтиради, чунки у бир нечта талабларни талаб қилади.

Шахс муайян назорат жараёнини яқунлашда иштирок этади ва қуйидагиларга эътибор қилиши мақсадга мувофиқ.

- мажбуриятларни тақсимлаш учун асос бўлиб хизмат қилади, масалан; активларни сақлаш, тегишли ваколатларни тақсимлаш ва тасдиқлаш;

- ушбу активларга таъсир кўрсатадиган операция ва тегишли операцияни қайд этиш ёки ҳисобот бериш;

- ички назорат аудити стандарти ёки бухгалтерия ҳисоби қоидалари муайян ажратишни белгилайди.

Ички назорат самарали бўлиши учун у етарли даражада аниқ бўлиши керак яъни бухгалтерия ҳисоби ёки назорат фаолиятини амалга оширувчи шахслар ўртасидаги вазифаларни ажратиш ва активларни бошқарадиганларга тақсимлаш керак.

Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуннинг айрим моддаларида ички назорат тизимини ташкил этиш тартиб таомиллари ёритиб берилган.

Жумладан, Қонуннинг 11- “Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш” моддаси 6-хатбошида

- *ҳисоб сиёсати, ички ҳисоб ва ҳисобот тизими ишлаб чиқилишини;*

- *ички назорат тартибини;*

- *бухгалтерия ҳисоби тўлиқ ва ишончли юритилишини;*

- *ҳисоб ҳужжатларининг бут сақланишини назорат қилиш масласи қайд қилинган.*

Ички назоратнинг активларнинг бут сақланишини таъминлаш хатоликларнинг олдини олиш ҳамда аниқлаш вазифалари. Республикада бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот тўғрисидаги Низомнинг 26-бандига биноан, бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ва молиявий ҳисоботларнинг ишончилигини таъминлаш учун ташкилотлар мол-мулк ва мажбуриятларни инвентаризация қилишлари шарт, бунда уларнинг мавжудлиги, ҳолати ва баҳоси аниқланади. текширилади ва ҳужжатлаштирилади. Мулк ва молиявий мажбуриятларни инвентаризация қилиш бўйича БХМС-19 услубий кўрсатмаларга мувофиқ инвентаризациянинг асосий мақсадлари:

1) мулкнинг ҳақиқий мавжудлигини аниқлаш;

2) мулкнинг хақиқий мавжудлигини маълумотлар билан таққослаш бухгалтерия ҳисоби;

3) мажбуриятларни ҳисобга олишда акс эттиришнинг тўлиқлигини текшириш.

Назорат тартиби - бу ташкилот раҳбарияти томонидан ишлаб чиқилган усуллар ва қоидалар. Назорат тартиби назорат мақсадларига эришиш учун зарур. Мақсад муассасада операцияларининг қонуний, тўлиқ ва тўғри ҳимоя қилинишини ва қайд этилишини таъминлашдир. Назорат тартиби ходимлар томонидан қилинган барча хатоларни аниқлаш ва тузатиш учун зарур, чунки улар бухгалтерия регистрларида ёки компютер файлларида сақланади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг жойлашган жойидан қатъи назар, барча активлари ва мажбуриятлари инвентаризация қилинади.

Бундан ташқари, ишлаб чиқариш захиралари ва хўжалик юритувчи субъектга қарашли бўлмаган, лекин бухгалтерия ҳисобида қайд этилган (масъул сақлашда бўлган, ижарага олинган, қайта ишлаш учун олинган) бошқа турдаги мол-мулклар, шунингдек, бирор-бир сабабга кўра ҳисобга олинмаган мол-мулк инвентаризация қилиниши керак.

Муассасада мавжуд бўлган мулклар сақланишини таъминлаш, улар назоратини яхшилаш мақсадида, юритилаётган ҳисоб маълумотлари нечоғлик хақиқийлиги, тўғрилигини текшириш мақсадида инвентаризация ўтказилади.

Муассасадаги мулклар деганда, асосий воситалар, номоддий, активлар, ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот, товар, пул маблағлари ва бошқа молиявий активлар тушунилади.

Муассасанинг молиявий мажбуриятлари ҳам инвентаризация қилиниб, бундай мажбуриятларга кредиторлик қарзлари, банк кредитлари, олинган қарзлар тушунилади.

Муассасаларда йиллик ҳисобот тузилиб, бундаги маълумотлар албатта, хақиқий маълумотлар асосида бўлмоғи лозим. Бу шарт бажарилиши учун ҳам муассаса инвентаризацияси ўтказилмоғи шартдир.

Инвентаризация - муассаса маблағини текшириб, рўйхатга олиш ва олинган маълумотларни ҳисоб маълумотлари билан солиштириш демақдир.

Муассасаларда асосан, 1 октябрдан кейин инвентаризация ўтказилади, бунга сабаб йиллик баланс маълумотларини хақиқийлигини таъминлашдир. Аммо қуйидаги ҳолатларга ҳам эътиборни қаратмоқ зарур: кутубхона фондлари 5 йилда бир, йирик асосий воситаларни 3 йилда бир, озиқ-овқат товарларини бир йилда 2 марта, кассадаги нақд пуллар эса ҳар ойда нвентаризация қилинади.

Ҳозирги даврда муассасаларга берилган мустақиллик уларнинг ҳамма фаолиятларида ўз аксини топмоқда. Шулар жумласидан, инвентаризация ўтказиш муддати ва объекти кўрсатилган рўйхат ҳам, муассаса раҳбарияти томонидан мустақил равишда йил бошига тузилади.

Бу рўйхатга биноан, муассасада доимо амалиётда бўладиган инвентаризация комиссия аъзолари таркиби ҳам тузилган бўлади. Буларни ҳаммаси муассаса раҳбари тасдиқлайди.

Шунингдек, ҳалқаро ички назоратни янгиланган версиясида давлат секторида самарали жорий қилишда қўйидаги ички назорат тамойилларига эътибор қаратиш лозим.

Ички назорат принципларидан қайси бири давлат сектори учун зарурлигини қўйидаги тамойиллар асосида кўриб чиқиш мумкин.

Жавобгарлик - ташкилот мақсадларга эришишда ички назорат билан боғлиқ мажбуриятлар бўйича шахсларни жавобгарликка тортади.

Хавфларни аниқлаш ва таҳлил қилишда – ташкилот ва муассасалар ички назорати белгиланган мақсадларга эришиш учун хавфларни аниқлайди ва уларни бошқариш усуллари аниқлаш учун ушбу хавфларни таҳлил қилади.

Назорат тадбирларини ишлаб чиқишда - ташкилот хавфларни мақбул даражага туширишга ёрдам берадиган назорат тадбирларини танлайди ва ишлаб чиқади.

Мониторинг ва ички аудитини амалга оширишда - ташкилот ички назорат таркибий қисмларининг мавжудлиги ва ишлашини тасдиқлаш учун доимий ва ёки индивидуал баҳолашни танлайди, ишлаб чиқади ва амалга оширади.

Давлат ички молиявий назоратини ислоҳ қилиш аслида нимани англатади. Жумладан,

Жорий фаолият учун масъул бошлиқлардан менежерларга, юқори натижаларга эришиш учун масъул бўлган биринчи қаторда, маблағларни самарали бошқариш орқали мақсадларга эришишни;

Бош бухгалтерлардан молиявий менежерларга, мутахассислар, иккинчи қаторда;

Кадрлар бўлими раҳбарларидан кадрлар менежерлари, инсон капитали, биринчи қаторда;

Молиявий операцияларнинг мувофиқлиги ва қонунийлигини текширувчи молия инспекцияларидан

Ташкилотлар ичидаги алоҳида ва функцияси билан тўлдирилади ва учинчи қаторда ички назорат тизими бизнес жараёнларида таваккалчиликка йўналтирилган ёндашув асосида баҳоланади ва менежерларга тавсиялар беради.

Чекловлар; Ички назорат сиёсат ўзгариши каби ташқи омилларга таъсир қила олмайди, Ички назорат ёмон раҳбарни яхши қила олмайди, Мажбурий чекловлар инсоннинг номукамаллигини ўз ичига олади, Қарор қабул қилишда нотўғри инсоний ҳукм қабул қила олмайди, Одамларнинг одатий хатолари ва хатоларини доимий назорат қилмайди, Ички назорат ҳар доим ҳам фирибгарликдан ҳимоя қила олмайди, Икки ёки ундан ортиқ одамнинг тил бириктиришига қарши тура олмайди, Бошқарув назоратини бекор қилиш ҳуқуқи йўқ.

Ички назоратнинг таъсири - аниқ белгиланган мақсад ва мажбуриятларни ўз ичига қамраб олади яъни *Ҳалоллик, Шаффофлик, Ўзвий алоқа, Самарадорлик, Жавобгарлик ва Қонунийликдан* иборат.

Ривожланаётган ва ривожланган давлатларда молиявий назорат тизимининг қандай ишлашини қўйидаги босқичларда амалга оширилади.

Вазирликлар даражасида, вилоятлар ва туманлар даражасида

Ички аудит субъектлари қонун билан белгиланган барча муассасаларда ташкил этилади.

Муайян услубий ҳужжатлар мавжуд

Ички аудит методологияси

Ички аудиторлар ахлоқ кодекси

Тизим аудити бўйича қўлланма

Ички аудит стандартлари

Самарадорлик аудити бўйича қўлланма

Мунозара. Ички назорат тизимини такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Молиявий бошқарув ва назорат қилиш коидалари ва процедуралари бўйича кўрсатмаларга мувофиқ молиявий бошқарув ва ички молиявий назорат тизимини жорий этиш бошланди.

Бюджет муассасаси ўзининг "Ҳисоб сиёсатини" қабул қилганда тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилган ходимлардан ҳар чорақда жавобгарлигида бўлган моддий-товар қийматликларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисобот қабул қилишни қайд қилиши лозим.

Бунинг натижасида ички назорат тизимида даврий инвентаризация ўтказиб боришда аниқликларни юзага келишига сабаб бўлади ва ўз навбатида ходимларда муассаса мол-мулкига нисбатан жавобгарлик масъулияти ошади.

Хулоса. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, давлат иштирокидаги корхона ва ташкилотлар муваффақиятли ишлаши учун, рентабеллик даражаси доимий равишда ошиб бориши, унинг активлари сақланиб қолиши ва кўпайиши учун яхши ташкил этилган бошқарув механизми зарур, унинг энг муҳим воситаси ички назорат тизими бўлиб, у кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси, ички аудит, соҳа маслаҳатчиси ва бошқа назорат структураларини уз ичига олади

Муассалар ички назорат тизининг меъёрий хужжати- Ички назорат Низоми ишлаб чиқирилиши унда кўйида келтирилган масалалар тартиб коидалри баёр этилиши лозим деб ҳисоблаймиз:

Ташкилот ва муассасалар раҳбарлари - назорат тадбирлари учун

жавобгарлиги икки ҳимоя чизиғида яққол намоён бўлади.

Биринчи ҳимоя чизиғи - а) бошқарув назорати; б) ички назорат чоралари
Иккинчи ҳимоя чизиғи - а) молиявий назорат; б) хавфсизлик; с) хатарларни бошқариши; д) сифат; э) тегишли; ф) мувофиқлик.

Жумладан, Назорат муҳити

1. Одоб ва ахлоқий қадриятларга содиқликни намойиш этади;

2. Назорат учун жавобгардир;

3. Тузилиши, ваколатлари ва жавобгарлигини белгилайди;

4. Ваколатга интилишни намойиш этади.

5. Ҳисобдорликни таъминлайди.

Хатарларни баҳолаш

6. Тегишли вазифаларни аниқлайди.

7. Хатарларни аниқлайди ва таҳлил қилади.

8. Фирибгарлик хавфини баҳолайди.

9. Муҳим ўзгаришларни аниқлайди ва таҳлил қилади.

Назорат чоралари

10. Назорат тадбирларини танлайди ва ишлаб чиқади.

11. Умумий технология назоратини танлайди ва ривожлантиради.

12. Сиёсат ва процедуралар орқали амалга оширилади.

Ахборот ва алоқа

13. Тегишли маълумотлардан фойдаланади.

14. Ички алоқани ташкил қилади.

15. Ташқи алоқани ташкил қилади.

Мониторинг тадбирлари

16. Доимий ва /ёки алоҳида баҳолаш/ ички аудиторлик тегиштурувларини ўтказади.

17. Баҳолашни амалга оширади ва камчиликлар ҳақида хабар беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни (ЎРҚ-404-сон) 2016 йил 13 апрель
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ4611-сонли “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги 3946 сонли “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 майдаги 280 сонли “Ички аудит ходимларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори
5. Abdieva N.Sh. Problems of audit quality control in condition of “Uzbekistan Temir Yo’llari”. The First International Symposium on Business Cooperation and Development in South-East and South Asia under B&R Initiative (ISBCD-16). 2016y.
6. Кеворкова Ж.А. Международные стандарты аудита. Под редакцией, -М.: Юрайт. 2016. -458 с.
7. Е.Л.Иванова. https://shporgaloshka.ucoz.ru/kontrol_i_revizija-konspekt_lekcij.pdf
8. А.Тихомиров. https://www.iaa-ru.ru/inner_auditor/publications/articles/upravlenie-riskami/a-tikhomirov-orientiruyas-na-riski-ili-kak-otseniv/
9. С.М.Бычкова <https://scholar.google.com/citations?user=3eWqjqAAAAAJ&hl=ru>
10. А.Сонин. https://www.iaa-ru.ru/inner_auditor/publications/articles/vtoroy-testovyy-razdel/a-sonin-vnutrenniy-audit-kak-vazhneyshiy-element-s/
11. В.В. Пугачев Внутренний аудит и контроль стр.15.
12. <https://ru.wikipedia.org/wiki/>